O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 25 март ШАНБА • № 24 (11.827)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Айни пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиш ва етиштириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Чорва мол боқаётган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳал этилмаган. Хўжаликларни зотдор, сермаҳсул чорва мол билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз аҳволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахслар учун пенсия тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларда қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган фуқароларнинг иш билан бандлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда меҳнат дафтарчаларини очиш ва юритиш, меҳнат органларида ҳисобга олиш, пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаш ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини белгиласин.

2. 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқуллансин, унда:

минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш;

зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш;

зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш назарда тутилсин.

Дастурнинг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий масъулият қишлоқ ва сув хўжалиги вазири (С.Исмоилов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва тижорат банкларининг қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун фуқароларга ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталарининг кафиллиги остида тижорат банклари томонидан имтиёзли мақсадли микрокредитлар ажратишнинг соддалаштирилган Тартибини тасдиқласин.

4. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд ва кўп болали

(Давоми 2-бетда).



# БАҲОР БИЛАН КЕЛГАН ҚУТ-БАРАКА

**Янгиланиш, яшнаш ва ёшариш палласи — Наврўзи олам хуш кайфият ва кўклам тароватини олиб келди. Мана, бир неча кунки, юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрибди. Келажаги буюк мустақил Ўзбекистонимизнинг нияти пок, интилишлари эзгули халқлари — ўзбеклар, руслар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, корейслар ва бошқа ўнлаб миллатларнинг вакиллари қадимий ва навқирон Наврўз байрамини катта бир оила, файзли бир хонадон фарзандларидек нишонламоқдалар.**



Шу кунларда қайси шаҳар ёки қишлоққа борманг, ўйин-кулгу, шўх-шўх театрлаштирилган томошалар, турли тилларда гаплашаётган байрам давралари устидан чиқасиз. Мустақил Ўзбекистон тарихида бу Наврўз алоҳида аҳамияти билан муҳрланиб қолади. Зеро, қадимий шу эзгу байрам кунлари қўшни, қардош Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев мамлакатимизда расмий меҳмон бўлиб турди, Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг қутлуғ байрам тантаналарида иштирок этди. Турли учрашувлар, расмий суҳбатлар чоғида икки қўшни давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қозоғистон мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга иштиёқ, қизиқиш ва интилиш кучли эканлигини, икки қардош юртнинг ёрқин истиқбол йўлидаги мақсадлари муштараклигини қайта-қайта таъкидлашди.

Ҳа, қадим Наврўз анъаналари олис-яқин халқларни бирлаштирувчи, ўтмиш маънавий-маданий меросини теран қадрлаб, келажакдаги ҳамкорликни, ўзаро бордикелдиларни тобора юқори даражага кўтаришга чорловчи қудратли омил бўлиб қолаверади. Фақат бугина эмас, бу айём, тилу динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни жипслаштириб, жамиятдаги янгиланиш жараёнларини яна ҳам чуқурлаштирмоқда. Бу ҳолат шу байрам кунлари дўстона давраларда, меҳр-мурувват тадбирларида, айниқса, ёрқин намоён бўлмоқда. Дастурхонларга кўклам кўкатларидан тайёрланган чучвара, сомсалар, сумалагу ҳалимлар тортилаётир. Очиқ чеҳрали кексаларимизнинг қўллари дуода: «Юртимиз осмонидаги мана шу баҳорий мусаффолик боқий бўлсин. Ҳаётимиз тинч, турмушимиз ҳамиша мана шундай тўкин бўлсин».

Наврўзи оламнинг бағрикенглик, саховатпешалик, меҳр-мурувват кўрсатиш анъаналари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурий режаларини рўёбга чиқаришга алоҳида жўшқинлик бағишлаб юборди. Таҳририятга вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида қўли ва кўнгли очиқ ҳомийлар томонидан амалга оширилаётган ишлар

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг таклифига биноан 2006 йил 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

# МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

**Ўзбекистон ҳар доим ўзининг мустақил ва барқарор маънавий-ахлоқий анъаналари билан дунёга танилиб келган.**

Бағрикенг, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқи, сахийлик ва инсонпарварлик хислатлари билан ном қозонган бу мамлакатда айни вақтда 130 дан зиёд миллат ҳамда элат вакиллари ўзаро аҳил-иноқликда яшаб келмоқда. Шу билан бирга юртимизда уларнинг миллий маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бугун ушбу марказлар ўз халқининг азалий қадриятларини, миллий анъаналарини тиклаш ҳамда давом эттириш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Корейс ва ўзбек халқларида умумий ўхшаш жиҳатлар кўп. Жумладан, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, айниқса, миллий қадриятларга юксак даражада ҳурмат билан қараш ўзаро ҳамоҳангдир. Шунингдек, меҳмондўстлик, бағрикенглик борасида ҳам ўхшашликлар кўп.

Шу боис икки халқнинг ўзаро ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги қарашлари азалдан бир бўлиб, эзгу мақсадлар сари интилишлари бир-бирига чамбарчасдир. Қолаверса, бу халқларнинг аҳиллиги, дўстлик ва ҳамкорлиги ўзининг чуқур тарихий илдизларига, мустаҳкам замонавий асосига эга ҳамдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда Корея Республикаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, улкан қадамлар ташланди. Икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик ва учрашувлар сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳалардаги алоқаларимизнинг юқори суръатлар билан ривожланишига туртки берди. Бугун биз бунинг яққол исботини кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Қисқа муддатда Жанубий Корея мамлакатимиз иқтисодиётига 1 миллиард доллардан кўпроқ инвестиция киритди.

Юртбошимизнинг шу йилнинг 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлиши мана шу муштарак мақсадларимиз, халқларимиз ўртасидаги тотувлик, ўзаро муносабатларни яна ҳам чуқурлаштиришига ишончимиз комил.

**Владимир КИМ,**
**Корейс миллий-маданий маркази раҳбари,**
**Оққўрғон тумани.**

## «ҲАҚИҚАТ» – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

**Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, жамиятда қонун устувор бўлишига эришиш, ёшлар ўртасида қонунга ҳурмат туйғусини уйғотиш мақсадида Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.**

Касб-ҳунар таълим муассасалари талабалари ўртасидаги танловни ташкил этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар бошқармаси, прокуратура, маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари ҳамкорлик қилишди. Қурилиш-иқтисод коллежининг «Ҳақиқат» ҳамда педагогика коллежининг «Аланга» жамоалари ўзаро баҳс юритишди. Ўзини таништириш, савол-жавоб, ҳуқуқий билимлар асосида саҳна кўринишлари, сардорлар беллашуви каби шартларни аъло даражада уддалаган «Ҳақиқат»чилар ғолиб бўлишди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

*Фармон ва ижро*

# НАЗОРАТ МАСЪУЛИЯТИ

**Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссиямиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Махсус режа асосида жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, туман ва ҳудудий комиссия аъзолари иштирокида хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари билан семинар-учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Фармон қабул қилинганидан бошлаб ҳудудий комиссиямиз ташаббуси билан 2005 йилнинг октябрь-декабрь ойлари давомида вилоятда 172 та семинар-йиғилишлар ўтказилиб, бу машғулотларга 19 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари вакиллари жалб этилди. Бундан ташқари, ушбу Фармон юзасидан ишлаб чиқилган қўлланмалар 14151 та хўжалик субъектларига тарқатилди. Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ваколатига эга бўлган 1457 мансабдор шахс вилоят комиссияси ишчи органи томонидан ишлаб чиқилган махсус огоҳлантириш варақалари асосида хўжалик субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйилиши юзасидан ёзма равишда огоҳлантирилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида 13 маротаба телевидение, 8 маротаба радио ва 73 маротаба марказий ва маҳаллий газеталарда ушбу Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чиқишлар ташкил этилди.

Ҳозирги кунда ҳам ҳудудий комиссиямиз бу борада олиб борилаётган тадбирларни давом эттирмоқда. Жумладан, январь-февраль ойлари давомида вилоят бўйича 48 та семинар-йиғилишлар ўтказилиб, бу машғулотларга 7281 тадбиркор жалб этилди. Оммавий ахборот воситаларида эса бу масалалар 35 маротаба ёритилди. Шу билан бирга яқинда ҳудудий комиссиямиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси вакиллари иштирокида хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар ва хўжалик субъектлари билан семинар-йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят Адлия бошқармаси, савдо-саноат палатаси, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси масъул ходимлари томонидан мазкур Фармон талаблари ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар яна бир бор чуқур тушунтириб берилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлигида ҳокимликлар, давлат бошқарув ва назорат идоралари ходимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва кафолатлар тизимини тушунтириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилиб, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шароит мавжудлиги, уларнинг фаолиятларига асоссиз аралашмаслик чоралари кўрилиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

**Наримон ХАЙИТҚУЛОВ,**
**вилоят Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари, вилоят ҳокимининг ўринбосари.**



# ДИЙДОР КЎРИШИШДИ

**Наврўз айёми кунлари вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида истиқомат қилаётган ногирон, кўнгли ярим кишиларга иззат-ҳурмат кўрсатилди.**

— Ушбу байрам дастурининг ташкил этилишида кўплаб ташкилотлар ўзларининг беминнат ёрдамларини аяшмаётганликларидан хурсандмиз, — деди вилоят ногиронлар жамияти раиси Баҳром Холдоров. — Тадбирга 250 нафар ногиронларимиз таклиф этилган.

Учрашув давомида ҳар бир меҳмонга совға-саломлар тақдим этилди. Айниқса, Паркент туманидан келган Бахтиёр Саидкаримов ҳамда Бекобод тумани «Саховат» ногиронлар боғчаси тарбияланувчиси Зуҳра Абдуқодировага 800 минг сўмлик ногиронлик аравачаларининг топширилганлиги улар учун катта шодиёнага айланди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** *байрам тадбиридан лавҳа.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

оилаларга, энг аввало мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камида 100-200 оилани қамраб олган ҳолда, ҳомийлар, шунингдек нодавлат хайрия ташкилотларининг маблағлари ҳисобига бир бош сигир бериш йўли билан хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд, кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда чорва мол боқиш кўникмалари, шароит ва имкониятлари мавжудлиги, жумладан омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг қатъий мезонлари назарда тутилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта ем, шу жумладан шартномалар бўйича фермер хўжаликларидан сотиб олинадиган дондан ишлаб чиқариладиган омухта емни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари бемалол олишини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилишини, туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида ихтисослаштирилган савдо шаҳобчаларини ташкил этиш учун зарур омборхоналарни бериш йўли билан таъминласинлар.

6. 2010 йилгача бўлган даврда наслчилик чорвачилик корхоналари ва хўжаликлари наслчилик чорвачилигини ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

7. 2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича қабул қилиниши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу қарор талабларини амалга ошириш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Дастурнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари мажлисларида кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 23 март.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**





# БАҲОР БИЛАН КЕЛГАН ҚУТ-БАРАКА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

ҳақидаги хабарлар келиб турибди. «Наврўз ҳамиша юртимизга маъмурчилик, қут-барака олиб келади, — деб ёзади Зангиота туманининг Қатортол қишлоғидан кекса ўқитувчи Марҳамат опа Хошимова. — Маҳаллаларимизда тарқатилаётган Наврўз ҳалимлари, сумалаклари, обод ва кўркам гузарларда, кўкаламзор хиёбонларда ёзилаётган дастурхонлар ҳам шундан нишона».

— Корхонамиз шу қутлуғ айём кунлари катта тўй ўтказиб, 54 кичкинтойнинг қўлини ҳалоллаб берди, — дейди «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳмон Абдураззоқов. — Бекобод шаҳри ва атроф қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг бу фарзандлари номига банкда ҳисоб рақами очилиб, 30 минг сўмдан пул ўтказилди.

Бундай хайр-эҳсонлар Олмалиқда ҳам, Чирчиқда ҳам, Чинозу Бўкада — ҳамма ерда амалга оширилаётир. Халқимизнинг бағрикенглиги, қўли ҳам кўнглидек очиқлиги шу Наврўз кунлари янги куч билан намоён бўлмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *вилоятимизда ўтаётган Наврўз тадбирларидан лавҳалар.*

# АЙЁМ БАҲОНА ЭКИЛГАН КЎЧАТЛАР

**Бекобод туманидаги биологик лаборатория жамоаси Наврўз айёмини кўтаринки кайфиятда нишонлади.**

60 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу лаборатория ҳудудида 500 туп терак, 70 туп мевали дарахт кўчатлари ҳамда 50 туп атиргул экилди. Байрам муносабати билан ўтказилган тадбирда ҳар бир ходим моддий рағбатлантирилди.

***СУРАТДА:*** *лаборатория раҳбари Ўктамжон Бердиев ишчиларни байрам билан қутлаётир.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

# ДИСПАНСЕРДА ТАНТАНА



**Вилоят ўсма касалликлари диспансерида ҳам йилбоши Наврўз кенг нишонланди.**

Бугунги кунда бу муассасада 300 нафар малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқда. Улар меҳнатини қадрлаш ва бу анъанани давом эттириш мақсадида дошқозонларда сумалак ҳамда ош тайёрланиб, дастурхонга тортилди.

Машаққатли касб эгаларини сенатор Бахтиёр Ҳакимов ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков байрам муносабати билан қизғин қутлашди.



Шунингдек, байрам қатнашчилари халқимиз суйган хонандалар иштирокидаги концерт дастуридан баҳраманд бўлдилар.

**Саид ҲАСАНОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *бўлиб ўтган байрамдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

**Вилоятимизнинг барча гўшасида Наврўзи олам кенг нишонланмоқда. Айём муносабати билан «Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш» нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳам қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Шундай хайрия тадбирининг навбатдагиси Тошкент, Қибрай туманларининг Наврўз, Яланғоч ота маҳаллаларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган аёллар иштирокида ташкил этилди. Шу куни кечага таклиф этилганларга байрам дастурхони ёзилиб, уларни янгиланиш, яшариш айёми билан қутлашди.

Гўзал куй-қўшиқлар, байрам совғалари йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

# ҚОНУН – КУЧЛИ ДАВЛАТ АСОСИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги Қарорига асосланган давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ҳамда ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш концепцияси талабларига мувофиқ ўтказилди.

Анжуман ишида депутатлар, сенаторлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, дахлдор вазирлик ва ташкилотлар вакиллари ҳамда юридик таълим муассасалари илмий ходимлари қатнашдилар.

Анжуманнинг асосий вазифаси амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги тушунчаси, турлари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари, асосий йўналишлари, босқичлари, объект ва субъектларига тегишли бўлган муҳим масалаларни муҳокама қилишдан иборат бўлди. Маърузачилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари мониторинги асосий йўналишларининг ҳозирги ҳолатига тўхталиб ўтдилар. Сўзга чиқувчилар қонунчилик мониторингини амалга ошириш доирасини аниқ белгилаш юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА

**Зангиота туманида ерга оид муносабатларни тартибга солиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш жабҳасида замонавий технологияларни қўллаш ҳамда соҳада кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

У республика ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ва унинг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан тегишли ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, кейинги йиллар ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, бебаҳо заминимиз бойлик ва имкониятларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш, ўз навбатида, уни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, тизимга замонавий технологияларни жорий этиш, тегишли соҳа вакилларининг иқтисодий-сиёсий, касбий ҳамда замонавий билим даражаларини мунтазам шакллантириб бориш ўзига хос долзарблик касб этмоқда. Бундай илмий-амалий анжуманлар айнан шу вазифалар кўламини кенгайтириш, жараёнга етук мутахассис ва амалиётчилар, соҳа фидойилари тажрибасини атрофлича татбиқ этишни кўзлаб уюштирилмоқда.

Анжуманда йиғилганлар олим ва мутахассисларнинг ўндан ортиқ маърузаларини тинглаб, ўз фикр-мулоҳазаларини, муаммо ва саволларини ўртага ташладилар. Айниқса, ер тизими, уни космик суратлардан фойдаланиб хариталаш, суғориладиган ерларнинг унумдорлик даражаси ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида технологик омиллар, соҳага замонавий информацион технологияларни кенгроқ жорий этиш, ерларни инвентаризация қилишда геодезик асбобларни қўллаш ва шу каби долзарб мавзулардаги чиқишлар йиғилганларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

**Наврўз кунларида Оҳангарон туманининг Бирлик маҳалласида 600 мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган икки қаватли қишлоқ врачлик маскани фойдаланишга топширилди.**

Бино Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳомийлигида тўлиқ қайта қурилиб, 162 миллион сўмлик иш бажарилди. 18 та тиббиёт хонаси замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Қурилиш-таъмирлаш ишларидан ташқари комбинат пунктга 35 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозлари ҳам олиб берди. Шунингдек, иссиқ сув, совуқ сув таъминоти йўлга қўйилди. Тантанали очилиш маросимида комбинат томонидан «Дамас» тез ёрдам машинаси тақдим этилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# «ПЕКИН – ҲАРАКАТДА»

**Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида "Пекин – ҳаракатда" мавзуида фотокўргазма очилди.**

Унда хитойлик фотосанъат усталарининг турли мавзулардаги ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда. Уларда ХХРнинг бугунги иқтисодий ва маданий ҳаёти ўз ифодасини топган.

Тадбирда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2004 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми 570 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу борадаги кўрсаткич 680 миллионга тенглашди. Жорий йилда ўзаро савдо ҳажмининг янада кўпайиши кутилаётир.

**ЎзА.**

«ТОШВИЛОЯТСУВОҚАВА»
очиқ акциядорлик
бирлашмаси раҳбарияти
*ўзининг кўпсонли*
*ишчи-хизматчиларини,*
*вилоятимиз аҳолисини*
*улуғ ва саодатли айём —*
***Наврўз байрами***
*билан муборакбод этади.*
*Фидокорона меҳнатларимиз*
*мамлакатимиз тараққиётига*
*ҳисса бўлиб қўшилаверсин.*
*Айём бахш этган*
*шодлик йилларга татисин!*



